

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлғозма хуқуқида
УДК: 338.24+658 (575.1)

РАХИМОВ АЗИМЖОН ИНОМОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ КОМПАНИЯСИДА
БОШҚАРУВ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА УНИНГ
САМАРАДОРЛИГИ

08.90.13 – Менежмент ва маркетинг

Иктисол фанлари номзоди
илемий даражасини олиш учун тақдим этилган
диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

ТОШКЕНТ – 2011

Аб.

Диссертация иши Фарғона политехника институтида бажарилган

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Зайнутдинов Шавкат Нуритдинович

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Икрамов Мурат Акрамович

иқтисод фанлари доктори, профессор
Карриева Якутжан Каримовна

Етакчи ташкилот: Тошкент темир йўл транспорти мухандислари
институти


Химоя 2011 йил «16» сентарберб соат 9⁰⁰ да Тошкент давлат
иктисодиёт университети хузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий
даражасини олиш учун диссертациялар химояси бўйича Д.067.06.01 ракамли
ихтисослашган кенгаш мажлисида ўтказилади.

Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 49-үй.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети
кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2011 йил «15» августи да тарқатилди.

**Ихтисослашган
кенгаш илмий котиби,
иктисод фанлари доктори,
профессор**



Б.Беркинов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Глобаллашув шароитида республикамиз жаҳон бозорида борган сари нуфузли ва ишончли ҳамкорга айланмокда. Аммо Ўзбекистон табиий-жўтрафий жойлашишига кўра турли мамлакатлар билан жаҳон океани орқали бевосита боғланиш имкониятига эга эмас. Шуниш учун республикада экспорт-импорт юкларини ташиш асосан темир йўллар орқали амалга оширилади. Шу туфайли иқтисодиётни модернизациялап шароитида республикамизда темир йўл транспортининг ривожланишига катта аҳамият берилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “... йўловчи ташин локомотивлари паркини янгилаш, юк ташин локомотивлари ва вагонларини модернизация қилиш ва қайта тиклаш бўйича лойиҳаларни амалга оширишин жадаллаптириш зарур”¹.

Барча мамлакатларда катта ҳажмдаги юкларни узоқ масофаларга юқори даражада хавфсиз ташиш, энергиядан фойдаланиш ва атроф-муҳитга минимал таъсир кўрсатиш нуқтаи назаридан самарадорлигига кўра темир йўлларнинг аҳамияти ошиб бормокда.

Статистик маълумотлар таҳлиллари кўрсатишича, темир йўл транспортининг бошқа транспорт турларидан афзалиги шундаки, юкни улар орқали ташин автойўл транспортида ташишга нисбатан 8 дан 10 бараварича, ҳаво транспортида ташишга нисбатан эса 50 дан 80 маротаба арzonга тушади². Темир йўл транспортини юк ва ёнилиги ҳаражатлари ҳам антойўл ва ҳаво транспортини бу борадаги ҳаражатларига нисбатан кам. Бу транспорт турининг электр қуввати ёрдамида бошқарилиши экологик нуқтаи назардан ҳам анча афзал.

“Ўзбекистон темир йўллари” давлат акционерлик компанияси (ДАК) бошқарувининг янги тузилмасини яратиш кўп киррали мураккаб комплекс муаммо. Бу муаммонинг ҳал этилиши Ўзбекистондаги бош транспорт бўғинининг самарали фаолиятини таъминлаш имконини беради.

Жаҳон молиявий-иктисодий инқизорзи шароитида темир йўл соҳаси ва бу соҳа бошқаруви такомилашини мамлакат иқтисодиётини барқарорлаптиришида, иқтисодиёт тармоқлари ва туризм соҳаси интеграциялашувида, иш билан бандлик муаммолари ҳамда бошқа долзарб ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этишида муҳим ўрин тутади.

Собиқ Иттифоқнинг парчаланиши ҳамда марказлашган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш оқибатида юзага келган танглик Ўзбекистон темир йўллари транспортига ҳам жиҳдий таъсир кўрсатди. Хусусан, биринчидан, кўшни республикалар худудидан ўтадиган темир йўллар ўша

¹Каримов И.А Асосий вазифамиз - Ватанимизга тараккиети ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. Б.20.

² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари.

давлатнинг мулкига айланди. Уларнинг худудидан ўтиш учун валията ҳисобида кўп бож тўловлари талаб қилина бошланди. Иккинчидан, 1991 йилдан бошлаб, темир йўл ташишлари ҳажми кескин камайиб кетди ва шунга мос тарзда сарф-харажатлар камаймаган ҳолда олинган даромад миқдори пасайди. Шу жиҳатдан Ўзбекистонда давлат мустақиллиги қўлга киритишгандан кейин ўтган қисқа вақт мобайнида темир йўл транспоргини ривожлантириш борасида улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Айнан шу ўзгаришларни ҳисобга олиб, темир йўл тармогида маркетинг ҳизмати ва бошқариш услубларини такомиллаштириш долзарб масала ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Миллий иктисадиёт ва унинг тармоқлари бошқаруви масалаларини ўрганиш натижалари хорижлик ва маҳаллий олимларнинг илмий изланишиларида ўз аксини тоғган. Хусусан, бу борадаги масалаларни хориж олимларидан В.Медведев, М.Мескон, Г.Попов, И.Герчикова, В.Абчуқ, Р.Фатхудинов, Г.Купу, С.Одониел, Д.Вудворд, Д.Томисон, Ч.Перроу, Н.Лоуренс, Д.Лорги, Д.Дальтон, Д.Морз, Р.Моклер ва бошқалар³ ўз тадқиқотларида ёритишишган. Маҳаллий олимлардан С.Гуломов, М.Шарифхўжаев, И.Искандаров, Қ.Абдураҳмонов, Ш.Зайнутдинов, Г.Қосимов, М.Икрамов, А.Нардаев, Э.Набиев И.Тухлиев, М.Турсунходжаев, К.Ўлжабоев, Д.Рахимова, Р.Рахманбердиев ва бошқалар⁴ ўз илмий тадқиқотларида тармоқлар ва корхона менежментини ривожлантириш масалаларини тадқиқ этишган.

Юкорида номлари зикр қилинган хорижлик ва маҳаллий олимларнинг илмий тадқиқотларида бошқарувнинг ўёки бу масалалари иктисадиётнинг айрим тармоқлари мисолида кўриб чиқилиган. Улар айнан республикамиз темир йўл тизимида бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиши ва самарадорлигини ошириш масалаларини илмий тадқиқ этишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаганлар. Мазкур диссертация ичи мавзуси шу ҳолатлардан келиб чиқиб танланган, унинг мақсад ва вазифалари доираси ҳам шу нуқтаи назардан беғиланган.

³Воронин Э.М. Менеджмент предприятия и организации – М.:МГУ, 2004.–156 с, Экономика железнодорожного транспорта. Под. ред. Ф.П.Мулокина – М.: Транспорт, 2004 – 236 с, Мескон М. и др. Основы менеджмента. – М.: Дело, 2005 – 236 с; Менеджмент организаций. Под. ред. Румянцевой И. – М.: ИНФРА, 2005. – 324 с, Медведев В.П. Основы менеджмента. – М.:ДВКА, 2002. – 234 с, Гурков И.Б. Стратегический менеджмент организаций. – М.:ТЕНС, 2004. – 210 с; Мухамедяров А.М. Инновационной менеджмент. – М.:Инфра-М, 2004. – 239 с; Попов С.А. Стратегический менеджмент. – М.: Дело, 2003. – 169 с; Фатхутдинов Р.А. Стратегический менеджмент. – М.:Дело, 2007. – 187 с; Фатхутдинов Р.А. Производственный менеджмент. СПб – Питер, 2007. – 190 с, Бусыгин А.В. Эффективный менеджмент. – М.:Финпресс, 2004. – 256 с; Виханский О.С., Науров А.И. Менеджмент. – М.: Экономика, 2004. –178 с; Веснин В.Р. Основы менеджмента – М.: Элит, 2004. – 219 с; Герчикова И.Н. Менеджмент. Учебник. М.: ЮНИТИ, 2003– 398 с; Дафт Р. Менеджмент. СПб – Питер, 2004 – 243 с.

⁴Гуломов С.С. Менеджмент. Бошқарув санъати, назарияси ва амалиёти. Ўкув қўйламма. – Т.: 2002 -189 б; Қосимов Ф. Менеджмент. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон, 2002 – 235 б; Рахманбердиев Р.Х. Основы транспортного права. – Т.: 1994 –128 б. Шарифхўжаев М. Абдулласев Ҷ. Менеджмент: 100 савол ва жавоб. – Т.: Мехнат, 2001. – 289 б; Зайнутдинов Ш.Н., Шермухамедов А. Риск менеджмента. – Т.: IQTISOD - MOLIYA, 2007 – 256 с, Набиев Э., Рахимова Д.Н., Мавлоний Ш.И. Замонавий менеджмент назарияси ва амалиёти. – Т.: Akadempiyu, 2006– 252 б.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши мавзуси Фаргона политехника институти “Менежмент” кафедраси илмий-тадқиқотлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Ўзбекистон темир йўл тармоғида бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий, услугубий ҳамда амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишидан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Белгиланган мақсаддан келиб чиқиб, куйидагилар тадқиқот вазифалари этиб белгиланган:

- темир йўл тармоғининг республика иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамиятини баҳолаш;
- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида темир йўл тармоғини давлат томонидан тартибга солиш йўлларини асослаш;
- темир йўл тармоғида бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий таклифлар тайёрлаш;
- темир йўл тармоғида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ва уларнинг натижаларини баҳолаш;
- “Ўзбекистон темир йўллари” ДАҚ ривожланишининг стратегик жиҳатларини асослаш, илмий хуносалар чиқариш;
- жаҳон иқтисодиётига глобаллашув шароитида темир йўл тармоғининг янги тизимини яратиш тамойиллари ва йўналишларини белгилаш;
- жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида темир йўл тармоғини бошқарувида янги тизимга ўтишнинг турли вариантларини ишлаб чиқиш;
- темир йўл транспорти бошқаруви самараదорлигининг кўп омилини вариантларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот обьекти ва предмети. Тадқиқотнинг обьекти “Ўзбекистон темир йўллари” ДАҚ ва унинг бўлинмалари, предмети темир йўл тармоғини бошқариш тизими ва унинг ташкилий-иктисодий механизmlари хисобланади.

Тадқиқот усуслари. Тадқиқотни амалга оширишда статистик, SWOT-тахлил, тизимли, вазиятли ёндашув, прогноз усусларидан фойдаланилди.

Тадқиқот гипотезаси. Миллий темир йўл тизимини барқарор ривожлантириш, бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича берилган илмий таклиф ва тавсиялар истиқболда тармоқнинг бошқарув самараదорлигини ошириш ҳамда менежмент тизимини такомиллантириш имконини беради.

Химояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- темир йўл тармоғида бошқарув стратегиясини шакллантиришнинг ташкилий-иктисодий механизmlари;
- темир йўл транспортида болқарув самараదорлигини ошириш юзасидан ишлаб чиқилган илмий таклифлар;

• темир йўл тармогида кадрлар салоҳиятини баҳолаш бўйича илмий ёндашувлар;

• темир йўл тармоги корхоналарида инновацион бошқарув усулларидан фойдаланиш бўйича таклифлар.

Илмий янгилиги. Республикамиз темир йўл тармогида бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиш, тақпилий-иктисодий механизмини тақомиллаштириш бўйича илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Хусусан:

– миллий темир йўл тармогининг иктисодиётда тутган ўрни ва ўзига хос хусусиятлари асослаб берилган;

– темир йўл тармогида бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини баҳолашинг назарий жиҳатлари ўрганилган;

– темир йўл тармогида инновацион бошқарувни шакллантиришнинг назарий-услубий жиҳатлари асослаб берилган;

– Ўзбекистон темир йўл тармоги таркибидағи кадрлар салоҳиятини юксалтириш бўйича илмий тавсиялар берилган;

– темир йўл тармогида бошқарув самарадорлигини ошириш бўйича илмий тақлифлар ишлаб чиқилган;

– темир йўл транспортида менежмент фаолиятини ташкил этиш ҳамда уни бошқариш стратегиясини тақомиллаштириш йўллари асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда ишлаб чиқилган назарий хуносалар ва илмий тавсиялардан темир йўл иктисодиёти ва тармоқларини бошқаришида, маҳсус дастурлар ва чора –тадбирлар ишлаб чиқища фойдаланилиши, шунингдек, тадқиқот давомида ўтказилган амалий таҳлиллар транспорт тармогини самарали бошқариш ва бу соҳадаги ислохотларни чукурлаштиришда, ишлаб чиқилган айrim илмий-назарий тавсиялар олий ўқув юргарида “Менежмент”, “Тармоқлар иктисодиёти”, “Транспорт иктисодиёти” каби фанларни ўқитишида кўлланилиши мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот натижалари ва асосий хуносалари “Ўзбекистон темир йўллари” ДАК тассаруфидаги Кўкон темир йўл узели (12.06.09 йилдаги 128 /33-сонли далолатнома) амалиётига қўллаш учун татбиқ этилган. Айрим назарий тавсиялардан Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти (17.04.08 йилдаги 2-36/Б-68-сонли маълумотнома)да “Менежмент”, “Тармоқлар иктисодиёти”, “Тармоқни бошқариш”, “Транспорт иктисодиёти”, “Стратегик менежмен” каби фанларни ўқитишида фойдаланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертациянинг асосий хуноса ва натижалари “Менеджмент железнодорожного транспорта в условиях рынка” (Москва, 2006), “Менеджмент фанини ўрганишнинг услубий жиҳатлари” (Бухоро, 2006), «Вопросы моделирования транспортных перевозок и эффективность функционирования системы управления» (Гашкент, 2006), «Инвестиция как фактор развития транспортной системы Узбекистана»

(Москва, 2007), «Развитие системы управления железнодорожного транспорта Узбекистана» (Москва, 2009) мавзусидаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган ва ижобий баҳоланган. Диссертация иши шунингдек, Фаргона политехника институти “Менежмент” кафедраси, Андижон муҳандислик иқтисодиёт институти, Тошкент давлат техника университети илмий семинарларида ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университетиги ҳузуридаги Д.067.06.01 рақамли ихтисослашашкан кенгаш қопидаги 08.00.13 – “Менежмент ва маркетинг” ихтисослиги бўйича илмий семинарда муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг зълон қилинганилиги. Диссертация мавзуси ва натижалари бўйича умумий ҳажми 2,5 босма табоқдан иборат 9 та илмий мақола ва маъруза тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг **тизилиши ва ҳажми.** Тадқиқот иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан, умумий ҳажми 150 бетдан иборат.

Диссертациянинг **кириш қисмида** мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари асосланган ва илмий янгилиги ҳамда назарий ва амалий аҳамияти кўрсатилган.

Диссертациянинг “**Миллий иқтисодиётда темир йўл тармоғининг тутган ўрни ва уидаги бошқарув тизимининг назарий -услубий асослари**” деб номланган биринчи бобида умумий бошқарувнинг назарий-услубий асослари, хусусан, темир йўл корхона ва ташкилотларици бошқаришининг илмий-услубий жиҳатлари, бу борадаги турли илмий йўналишлар, Ўзбекистон иқтисодиётида темир йўл компаниясининг аҳамияти каби масалалар ёритилган.

Диссертациянинг ““**Ўзбекистон темир йўллари**” компаниясининг амалдаги бошқарув стратегияси” деб номланган иккинчи бобида темир йўл транспортни бошқарувининг ҳозирги ҳолати ва иқтисодий қўрсаткичлари таҳлили, уни монополиядан чиқариш ва ривожлантириш, амалдаги бошқарув стратегияси баён қилинган.

Диссертациянинг ““**Ўзбекистон темир йўллари давлат-акционерлик компанияси бошқарув стратегиясини такомиллаштириши**” номли учинчи бобида темир йўл компанияси бошқарувини такомиллаштиришининг асосий йўналишлари, уни ислоҳ қилипнинг турли вариантларини қиёсий тадқик қилиш, маркетинг тизими ва унинг шаксларини жорий этиш йўллари, ривожланиш стратегияси илмий тадқиқ этилган.

Диссертация ишининг **хулоса қисмида** тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, темир йўл транспортининг бошқарув стратегиясини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш юзасидан илмий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Иқтисодчи олимлар бошқарувнинг таркибий қисмлари ва элементларини таҳлил этганда, улардаги ўзгаришларни ҳамда бир хил омиллар таъсирини турлича баҳолайдилар.

Хорижлик олим И.Н.Герчикова бошқарувнинг янада оқилюна ташкил этиб ҳамда хизматчиларнинг тегишича касбий тайёргарлигини таъминлаб, Гарбий Европа мамлакатларида маъмурий ходимларнинг 15-20 фоизини қисқартириш мумкин бўлар эди⁵, деб таъкидлайди. Бу борада хорижлик олимлар бошқарувга тизимли ёндашувнинг умумий тамойилларини баён қилишга алоҳида эътибор қаратадилар⁶. Бу коидани тақид остига олиш янги услубий йўналиш – “вазиятли ёндашув”ни юзага келтирди.

Илмий нуқтаи назардан вазиятли ёндашув бошқарув вазифаларининг ўзига хос томонларини “тизимости” шаклида баён қилиш учун замин тайёрлайди, униши муваффақиятли қўлланилиши ўрганилаётган ўзгарувчилар ўртасидаги эмпирик алоқалар қанчалик текширилган ва асосланганлиги, энг асосийси эса, “вазият” таҳлилига асос қилиб олинган ташкилий тизимларнинг умумий назарий модели ва уларга мослаштирилган бошқарув қарорлари қанчалик асосланганлигига боғлиқ.

Ўз навбатида маҳаллий олимлар ва мутахассислар “бошқарув”нинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда, уни турли талқинда таърифлапга ҳаракат қилишган. Хусусан, академик С.С.Гуломов “бошқарув сиёсий, иктиносий, технологик, ижтимоий ва аҳлоқий тизимларнинг қисми бўлиб, ўзининг йўналиши, тамойиллари, услубларига эга. Бошқача қилиб айтганда, бошқарув жiddий илмий-услубий асосга таянади”⁷, деб таърифласа, профессор Ф.Косимов “Бошқарув ижтимоий таракқиётнинг ҳар қандай босқичида унга хос бўлиб, у кишилар меҳнатининг ижтимоий тавсифидан, меҳнат фаолияти жараёнида алоқа боғлаш, бу фаолият маҳсулотларини айирбошлиш заруриятидан келиб чиқади”⁸, и.ф.д.,проф. С.С.Гуломов “Бошқарув, бу – ташкилотнинг ўз олдига кўйган мақсадига эришиши учун йўналтирилган жараёндир. Бу бошқарув фаолияти ҳаракатининг кетма-кет бажариш жараёни бўлиб, фирманини бир қатор ишлаб чиқариш ва ижтимоий масалаларини ечиш ва уларни амалга ошириш учун зарур”, деб таърифлайди.

Охириг' йишиарда хориж адабиётларида маҳаллий менежментни бошқариш түгрисидаги фан, бошқарув жараёни, бошқарув санъати, бошқарув функцияси сифатида таърифловчи турли хил услубий ёндашувлар учрамоқда. Юкоридаги таърифлардан ҳар бири етарли даражада асосга эга,

⁵ Герчикова И.Н. Менеджмент. Учебник – М.: ЮНИТИ – М, 2003. – 57 с.

⁶ Румянцева З.П., Саломатин Н.А. Менеджмент организаций. – М.: Инфра – М, 1997. – 123 с.

⁷ Гуломов С.С. Менежмент. Бошқарув санъати, назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 16 б.

⁸ Косимов Ф. Менеджмент. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 35 б.

⁹ Гуломов С.С.Менежмент асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 107 б.

чунки бу күнгина мамлакаттарнинң күп йишик амалиети билан тасдиқланган.

Муаллиф фикрича, бошқарув, бу – жараён, бошқарув тизими эса ушбу жараённи таъминловчи механизмдир. Бошқарув жараённинг ўзига хослиги уни шакллантирувчи қисмлар яхлитлиги ва бир-бири билан боғланганиниңидир.

Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда темир йўл тармоғи муҳим ўрин тутади. Сўнгти йилларда темир йўл тармоғини самарали бошқариш ва унинг тизими фаолиятини ривожлантиришда республикамизда кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Аммо темир йўллар манзили мустакил давлатлар ўргасида чегараланиб қўйилиши ва божхона ташкил этилиши бу зарур тармоқни бозор муносабатларига ўтказинида қийинчилкларга олиб келди. Шунга қарамасдан, ўтказилётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида бу тармоқни барқарор ривожлантириш борасида бир қатор чора-тадбирлар ишаబ чиқиши. Хусусан, “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат-акционерлик компанияси ташкил топиб, бошқарувнинг янги тизими яратишди.

Темир йўл хизмати асосан икки йўналишида, яъни йўловчига хизмат кўрсатиш ва юқ ташиш йўналишларида фаолият олиб боради.

Темир йўл транспорти иқтисодиёт тармоқларидағи тузилмавий ўзгаришларга бевосита таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон ўз иқтисодий салоҳиятини ошириш мақсадида экспорт ҳажмини ошириб бориши зарур. Демак, ташкил иқтисодий алоқаларда юқ ташиш хизматини кўшайтиришида темир йўл транспорти муҳим омилига айланди.

Компания Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1994 йил 14 ноябрдаги “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат-акционерлик темир йўл компаниясида бошқариш фаолияти масалалари тўғрисида”ги 551-сонли қарорига асосан ташкил этиши.

2001 йил 24 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Темир йўл транспортини монополиядан чиқариш ва акционерлаштириш чоралари тўғрисида”ги 11Ф-2815 - сонли Фармони эълон қилинди. Унда темир йўл хизматлари бозорида монополиядан чиқариш ва ракобатчилик муҳигини шакллантириш, йўловчиларни ташиш, ҳаракатланувчи таркибини, рефрижератор ва контейнерларни таъмирлаш корхоналарини босқичмабосқич акционерлаштириш, ижтимоий инфратузилма объектларини, юклар ва йўловчиларга хизмат кўрсатувчи, қурилиш-таъмирлаш, савдо ва таъминот ташкилотларини тезкор суръатда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, уларнинг негизида нодавлат мулкчилик шаклидаги корхоналарни, шу жумладан, хусусий корхоналарни ташкил этиш, юқ ва йўловчилар ташиш жараёни бошқарув тизимига ва унинг иштирокчилари ўргасидаги алоқаларга бозор воситалари ва механизmlарини жорий этиш каби масалалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 3 августдаги 366-сон қарорига мувофиқ темир йўл компаниясининг янги тизими тасдиқланди. Ҳозирги кунда компания тизими таркибига бта миңтақавий темир йўл узеллари (Гошкент, Қўқон, Бухоро, Қўнғирот, Қарши ва Термиз), 3 та унитар корхона, 23 та ижтимоий инфратузилма обьектлари, 6 та очик турдаги акциядорлик жамиятлари ва бошқа функционал бошқарма ва марказлар киради.

Бугунги кунда темир йўл транспорти улушига мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 1,7 фоизи, иктиносидётда банд бўлганларнинг 0,49 фоизи тўгри келади.

2009 йил компания жами 12,63 млн. йўловчига хизмат қилган, бу кўрсаткич 1998 йилга нисбатан 37,6 фоизга камайди, лекин юк ташиш ҳажми эса 39 фоизга кўпайди¹⁰.

Маълумки, Ўзбекистонда юк ташишда нафакат темир йўл транспортидан, балки бошқа транспорт воситаларидан ҳам фойдаланилади. Ҳозирда асосий юкни ташиш республикада автомобиль транспорти орқали амалга оширилади. Агарда транспорт йўллари бўйича юк ташиш тузилишини кўриб чиқадиган бўлсак, бу ерда автомобиль транспортининг улуши 84,2 фоизни, кувур орқали ташишнинг улуши 9,4 фоизини, темир йўл транспортини эса 6,4 фоизни ташкил этади.

Таҳлиллар шуни кўрсатади, мустакиллик йилларида “Ўзбекистон темир йўллари” компанияси темир йўл хизмати сифат даражасини ошириш билан биргаликда тешловоз, электроноз, вагон, темир йўлиарни таъмирлашга катта аҳамият берди. Шу билан бирга янги йўллар очилиши ёки йўллар узайтирилиши давлатимиз мустакиллиги йилларидағи муҳим вазифаларга айланди. Марказий Осиё республикаларидан Эрон, Туркия ва Транскавказ йўлаги орқали Европага транспорт йўлаги (коридор) барпо қилиниши, республиканинг Яқин Шарқ ва Европа давлатлари билан ташки савдо алокалари ривожланишини сезиларли даражада жадаллаштиргириди.

Келажакда темир йўллари Афғонистон ва Покистон орқали қисқа йўллар билан Хиндистон портларига чиқиш имконини беради. Бу билан жаҳон бозорига чиқиши учун МДХ давлатларига “Жанубий йўл” очилади. Андижон – Ўш – Қашкар темир йўлининг курилиши эса Марказий Осиё ва Кавказ бўйи давлатлари Осиё-Тинч океани регионидаги давлатлар бозорларига чиқиши учун қисқа йўл очиб беради.

Республикамизнинг Шимолий-Гарбий ва Жанубий регионлари жадал ривожланиши кўп ҳолларда Навоий – Учкудуқ – Султонувайстог – Нукус, Ўззор – Бойсун – Қумкўрион темир йўлларининг курилиши ва реконструкция қилиниши билан боғлиқ.

Ўзбекистон ҳудудлари бўйлаб, 2009 йилга келиб, жами фойдаланишда бўлган темир йўллар узунлиги 6,8 минг километрдан, «Ўзбекистон темир

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2009 йил хисоботи маълумотлари.

йўллари” компаниясига қарашти темир йўллар узунлиги эса 4,2 мини километрдан олди.

Яқин йилларда эса бу кўрсаткич ундан ҳам ортиши кутилмоқда. Демак, истиқболда мамлакатимиздаги юк ва йўловчиларнинг асосий қисми темир йўл транспорти орқали ташилади.

1-жадвал маълумотлари кўрсатишича, республикамизда юк ташиш ҳажми темир йўл транспорти орқали 1998 йилда 41,76 млн.тоннага тўғри келган бўлса, 2009 йилга келиб 65,6 млн. тоннага етди ёки 57,1 фоизга кўпайди.

2009 йилда 1998 йилдагига нисбатан темир йўл транспорти орқали жўнатилган юкларда кимёвий маҳсулотлар, минерал ўгитлар кариб 2 марта кўпайган. Бунга асосий сабаб – республикамизда фойдали қазилмалар манбалари, Қизилкумдаги фосфор конлари, Дехқонобод калий кони каби янги конлар очилиши ва қазиб олинаётган хом ашёларни қайта ишлаш учун мамлакат ичидаги ташиш ҳажми оғришидиди.

1 - жадвал

Ўзбекистонда темир йўл транспорти орқали жўнатилган юклар ҳажмининг ўзгариш динамикаси¹¹

Жўнатилган юк турлари	1998 й.	Жами юк ташиш-даги улуши, фоиз	2009 й.	Жами юк ташиш даги улуши, фоиз	2009 йилда 1998 йилдагига нисбатан мутлоқ ўзгариши (+;-)	2009 йилда 1998 йилдагига нисбатан нисбий ўзгариши, фоиз
Жами юклар, млн. тонна шу жумладан:	41,76	100	65,6	100	+23,9	157,1
тошкўмир	2,4	5,7	3,6	5,5	+1,2	150,0
нефть маҳсулотлари	13,6	32,5	16,9	25,8	+3,3	124,2
кора металлар	0,47	1,1	1,2	1,8	+0,73	255,3
кимёвий маҳсулотлар (минерал ўгит ва бошқалар)	2,96	7,1	5,7	8,7	+2,74	192,5
курилиш юклари	11,8	28,3	8,6	13,1	-3,2	72,8
цемент	2,63	6,3	6,9	10,5	+4,27	262,3
ёғоч	0,36	0,9	0,14	0,2	-0,22	38,8
дон ва дон маҳсулотлари	2,13	5,2	1,6	2,4	-1,13	75,1
Бошқа ҳар хил юклар	5,41	12,9	20,96	32,0	+15,55	3,9 м.

¹¹ «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясининг 1998 – 2009 йиллардаги статистика хисоботлари асосида тузилган.

Мустакил юргимизда олиб бориляётган улкан курилишлар, шаҳар ва киплокқларда янги туарар-жойлар қурилиши учун цемент маҳсулотига бўлган талаб ортиши натижасида ишлаб чиқарилган цементни ташиб ҳажми 2,6 марта, Ўзбекистон металлургия комбинати эҳтиёжи учун мамлакатимизда ҳар йили металл чиқиндиларини тўплаш ва қайта ишлаптаганда, темир йўллар орқали истеъмолчиларга тайёр қора металларни ташиб ҳажми 2,5 марта, шунингдек, Ангрен кўмир ҳавзаси ва Бойсун конидан қазиб олинган кўмирни республикамиз ичидаги истеъмолчиларга ташиб натижасида тошкўмир ҳажми 1,5 марта, нефть маҳсулотлари ҳажми эса 24,2 фоизга кўпайган.

Шу билан бирга, 2009 йилда 1998 йилдагига нисбатан маҳсулотларни ишлаб чиқарилган жойларда истеъмол килиш кўпайипи сабабли, курилиш юклари жўнатиш ҳажми 27,2 фоизга, дон ва дон маҳсулотлари жўнатиш ҳажми 24,9 фоизга камайган.

Мамлакатимизда буғдои ва шахта етишгиришининг кўнайиши, мева, полиз маҳсулотлари ҳажми ошиши, озик-овқат тармоғи ривожланиши келажакда темир йўл транспорти орқали юк ташиб ҳажмини кўпайтиради.

Тадқиқотда республикамиз темир йўлларида юк ва йўловчи ташиб ҳажмларининг ўзгариши таҳлил этилиб, илмий хуносалар чиқарилган (2-жадвал).

2 - жадвал

Ўзбекистон темир йўлларида юк ва йўловчи ташиб ҳажмларининг ўзгариш динамикаси¹²

Кўрсаткичлар номи	Йиллар					2010 йилда 2006 йилдагига нисбатан ўсиш, фоиз
	2006	2007	2008	2009	2010	
Юк айланмаси, млн. т-км	19280	21593	23540	24238	22282	115,6
Ташиблган юк ҳажми, млн. тонна	58,22	67,84	78,31	79,1	76,50	131,4
Йўловчи айланмаси, млн. пасс-км	2136	2262	2479	2628	2905	136,0
Йўловчи ташиб, млн. киши	13,07	12,63	14,29	15,3	15,57	119,1

2-жадвал маълумотлари мамлакатимизда 2010 йилда темир йўл транспорти орқали юкларни ташиб ҳажми 2006 йилдагига нисбатан 31,4 фоизга, юк айланмаси ҳажми 15,6 фоизга, йўловчи айланмаси ҳажми 36,0

¹² «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясининг 2006 – 2010 йиллардаги статистика хисоботлари асосида тузилган.

фоизга ортганилгини күрсатди. Бу ерда йүловчилар ташиш учун янги йўналишлар ташкил этилиши, масалан, йўловчи поездлар “Тошгузар–Бойсун–Кўмкўргон” янги темир йўли курилиши натижасида, кўнши Туркманистон орқали олиб эмас, балки мамлакатимиз ичидаги янги темир йўл линияси орқали, Санкт-Лефербург, Саратов шаҳарларига “Навоий–Учкудуқ–Султонуайстоф–Нукус” йўналиши орқали ўтиши сабабли, йўловчи-километрлар миқдори ортиши натижасида йўловчи айланмаси ҳажми ҳам кўпайган.

Транспорт йўлларида юк айланмасини ўрганиш муҳим масала ҳисобланади. 2009 йили жами юк айланмаси 84,14 млрд.т-км, жумладан, темир йўл транспортида 24,2 млрд. т-кмга тенг бўлган. Жами юк айланмасида темир йўл транспортининг улуппи 28,0 фоизни ташкил этиб, 2006 йилдагига нисбатан 1,9 фоизга кўпайган.

Транспорт турлари бўйича юк ташиш холатининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, сўнгти уч йил давомида барча транспорт турларида юк ташиш ҳажми сезиларли даражада кўпайган. Муаллиф фикрича, бундай холат мамлакатдан цемент, газ маҳсулотлари экспорти кўпайиши билан боғлиқ.

Ўзбекистондан таппқарига 2005 йилда 38,7 млн. тонна маҳсулот экспорт қилинган. Унинг 4,5 млн. тоннаси ёки 11,8 фоизи темир йўл транспорти орқали ташилган. 2009 йилга келиб, ушбу рақамлар мос равинда 44,9 млн. тоннани, 6,42 млн. тоннани ёки 14,3 фоизни ташкил этди¹³.

Тадқиқотда темир йўл соҳасидаги хорижий тажрибалар илмий тадқиқ этилган. Хорижий мамлакатларда темир йўл транспорти соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг умумий натижаси шундан иборатки, у ерда темир йўл транспорти соҳасидаги корхоналарни қайта ташкиллаштириш шаклидан қатъи назар давлат ўз қўлида мулк ҳуқуқини сақлаб қолмоқда.

Темир йўл транспортини ислоҳ қилишда аксарият мамлакатларда куйидаги ягона талаблардан келиб чиқилмоқда:

- миллий темир йўл тизимларига тўлиқ хўжалик эркинлигини бериш;
- темир йўл транспортининг молиявий аҳволини согломлаштириш;
- темир йўл транспортининг ижтимоий аҳамиятга молислигини, уни автомобиль ва ҳаво транспортига нисбатан паст танинхарга эга эканлигини ва тежамлишини ҳисобга олган ҳолда барча даражаларда йўловчилар ташувларини аҳамиятли даражада молиявий кўллаб-куватлаш;
- ҳаракатдаги таркиб, вагонлар, локомотивларни янгилаш ва темир йўулларни модернизация қилип натижасида темир йўлда ҳаракат тезлигини ошириш ҳисобига автомобиль ва ҳаво транспорти билан рақобатда йўловчиларни темир йўл хизматидан фойдаланишга янада кўпроқ жалб қилиш.

¹³ www.sibz.uz/, 2009

Тадқиқтада кадрлар тайёрлаш самарадорлыгыни оширишга хизмат қылуучи барча ижтимоий-иктисодий ва ташкилий тадбирларни такомиллаштириш вазифаларини иккита йирик кисмга ажратиш тавсия этилган: кадрлар тайёрлашпен бозор иктисодиёти талабларига мос ҳолга көлтиришга күмаклашувчи тадбирлар мажмусаси; кадрлар тайёрлаш тизими ва меҳнат бозори талабларини мослаштириш.

Тадқиқтада темир йўл тизимини иктисодий ва ташкилий жиҳатдан бошқариш механизмини такомиллаштиришга оид илмий-назарий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди (1-расм).



1-расм. Темир йўл тармогида бошқарувнинг ташкилий-иктисодий механизмини шакллантириш¹⁴

Темир йўл тармоги бошқарувинин ташкилий-иктисодий механизмини шакллантириш учун тадқиқтада бошқарув қарорларини мақсадли ишлаб чиқиш, бунинг негизида иктисолий конуналарни амалга ошириш, бошқарув функцияларини баҳолаш, ишлаб чиқариш ривожланишинин ўзига хос хусусиятларини баҳолаш самарали эканлиги ҳамда ишлаб чиқарниш кучларини ривожлантиришда, кўрсатилаётган транспорт хизмати ҳажми ва сифатини оширишда бошқарувни ташкил этиш мухим аҳамиятга эга эканлиги асослаб берилди.

Рақобат шароитида юқори малакали кадрларнинг роли янада ошади, чунки улар олимлар ва мухандис-техник ходимлар билан биргаликда техника тараққиёти жараёнини ривожлантиришда асосий куч бўлиб коладилар.

¹⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқиши ан.

Кадрлар муаммосини мақсадли ҳал этиш, уларнинг меҳнат фаолиятини жамиятнинг ривожланиши талабларига йўналтириш зарур.

Муалиф фиқрича, кадрлар масаласини ҳал этиш қуидаги хусусиятларга асосланиши керак:

- кадрларни алоҳида корхоналарга жойлаштириш режали ва мўътадил тақсимлаш асосида олиб борилиши;
- ишловчиларнинг маданий, техникавий ва касбий савияси муттассил ошириб борилиши;
- меҳнат ресурсларини режали равишда тайёрлаш, уларнинг малакаси доимий оширилишини темир йўл тармоги маблаги ҳисобидан таъминлаш;
- ходимларнинг турмуш даражасини узлуксиз олириб бориш ва х.к.лар.

3- жадвал

“Ўзбекистон темир йўллари” компаниясида ишлаётган ходимлар таркиби таҳлили (2009 й.)

Кўрсаткичлар номи	Жами рўйжа ғадаи ходимлар (4+8)	Жумладан, хотин -	Хизматчилар	Ш.ж. раҳбарлар	Мутахассис- лар	Техник ижрочи	Ишчилар
1	2	3	4	5	6	7	8
Ходимлар, киши	53175	11568	17560	1924	10683	4953	35615
- олий маълумотли	7107	2145	6128	1325	4086	717	979
- ўрга маҳсус маълумотли	9562	3497	5875	437	3794	1644	3687
- ўрга ва тўлиқсиз ўрга маълумотли	36506	5926	5557	162	2803	2592	30949
- 16 ёшгача	-	-	-	-	-	-	-
- 16-24 ёшдагилар	7337	1304	1857	31	1219	607	5480
- 25-29 ёшдагилар	8112	1647	2646	256	1609	781	5466
- 30-39 ёшдагилар	15267	3232	5047	520	2746	1781	10220
- 40-49 ёшдагилар	14547	3379	4560	655	2673	1232	9987
- 50-54 ёшдагилар	5031	1313	2109	296	1421	392	2922
- 55 ёш ва ундан катта ёшдагилар	2881	693	1341	166	1015	160	1540

Манба: “Ўзбекистон темир йўллари” компаниясининг 2009 йил бўйича статистика ҳисоботлари.

3-жадвал маълумотлари кўрсатишича, 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига компанияда 53175 ходим бўлиб, уларнинг 33,0 фоизини хизматчилар ва 67,0 фоизини ишчилар ташкил этмоқда. Хизматчиларнинг 11 фоизи раҳбарлар, 60,8 фоизи мутахассислар, 28,2 фоизи техник ижрочи ходимлардан иборат. Жами ходимларнинг 21,8 фоизи хотин-қизлар, 29 фоизи 30 ёшгача бўлган

ёшлар. Олий ва ўрта маҳсус маънумотги ходимлар сони 16669 киши бўлиб, улар жами ходимларни 31,3 фоизини ташкил этмоқда.

Темир йўл транспортида юк ташишнинг асосий усули контейнерда юк ташишидир. 2009 йилда умуман, мамлакат бўйича 20 мингдан ортиқ контейнерда юк ташилган. Шунга қарамасдан олдинги йиллардагига нисбатан контейнерда юк ташиш камайган. Тадқиқот ишида келусида контейнер усулида юк ташишни қўзайтириш учун қўйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

- иқтисодий самара бермаётган айрим терминалларни ёпиш ва фақат фойда келтирувчи терминалларни қолдириш;
- контейнерларнинг терминаллар атрофида жойлашган автомобиль йўллари бўйича етказилишига хизмат кўрсатиш;
- тўлик ёки қисман ижарага бериш имкониятларини излаш.

Тадқиқот ишида “Ўзтемирийўлувчи” корхонасининг иқтисодий ва молиявий фаолияти таҳлил этилиб, зарур хуносалар чиқарилган (4-жадвал).

4-жадвал
“Ўзтемирийўлувчи” корхонасининг ишлаб чиқариш¹⁵ ва
молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	2006	2007	2008	2009	2009 йил 2006 йилга нисбатан, фоизда
Ийоловчи ташиш, млн. киши	13,07	12,63	14,29	15,3	117,0
Ийоловчи ташиш узоклиги, минг.км.	163,5	169,0	171	174	106,4
Вагондаги ўртача ийоловчилар сони, киши	32,8	30,9	31,25	32,5	99,0
Ийоловчи ташиш вагонларининг тубдан таъмири, дона	186	125	126	100	53,7
Вагонларни депода таъмирлаш, дона	150	220	218	220	146,6
Вагонларга ТО-3 ҳажмда техник хизмат, дона	564	684	726	742	131,5
Ийоловчи вагонлар сони, дона	758	723	693	677	89,3
Ходимлар сони, киши	4164	4373	4734	4893	117,5
Олинганд жами даромад, млн. сўм	32199,2	49244	83607,4	100325	3,11 м.
Шу жумладан, маҳаллий ва халқаро ташувлар	21238	33765	63072	75665	3,6 м.
Шахар атрофи йўналишида	1841,4	2385	3370	4042,8	2,2 м.
Жами харажатлар, млн. сўм	40501,8	43714	64798,5	71843	177,3
Шу жумладан, вагонларни тубдан таъмирлаш, млн. сўм	1778,9	1102,5	2557,8	3212,1	180,6
Фойда ёки зарар, млн. сўм	-8302,6	5530	18808,9	28482	-

¹⁵ Манба: “Ўзтемирийўлувчи” корхонасининг статистик ҳисоботлари асосида тузилган.

4-жадвал маълумотлари кўрсатишича, йўловчи тапнии корхонасинин асосий иш кўрсаткичларидан бири – йўловчи айланмаси 2007 йилдан бўён йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бу ўсишга ташилаётган йўловчилар сонининг ортиши (2006 йилдагига нисбатан 17 фоизга) ва йўловчиларни тапниш масофаси кўпайиши (2006 йилдагига нисбатан 6,4 фоиз) ҳисобига эришилган. Йўловчиларни автомобиль транспортидан темир йўл транспортига жалб қилиш максадида, 2006 йилдан Тошкент-Бухоро йўналишида “Шарқ” поезди, 2008 йил декабрдан Тошкент-Қарши йўналишида “Насаф”, 2009 йилдан Тошкент-Самарқанд йўналишида “Регистон” тезюар поездлари ташкил этилган. Ушбу поездлар қип ойларида юриш тезлиги (110-120 км/соат) бўйича автотранспорт билан рақобатлашмоқда. Шунингдек, йўловчи ташувчи вагонларнинг жисмоний эскириши сабабли, уларни таъмиrlаш харажатлари йилдан-йилга кўпаймоқда, хизмат муддатини ўтаб бўлган вагонлар ишчи парки ҳисобидан чиқарилиши натижасида, ишчи вагонлар сони 2006 йилдагига нисбатан 10,7 фоизга камайган. Корхонада янги согиб олинган вагонлар сони ортиши натижасида уларни 1 йилда бир марта депода таъмиrlаш ҳажми 1,5 марта ва ҳар 6 ойда ўtkaziladigian ягона техник қаров ҳажми 1,3 мартага кўпайган. Эскирган вагонлар ҳисобдан чиқарилиши натижасида, тубдан таъмиrlatalab вагонлар сони камайиб борган. Агарда, йўловчи ташувчи вагонлар ўз вақтида янгилаб борилмаса, келгусида йилдан-йилга ортиб бораётган аҳолининг ташуввларга бўлган эҳтиёжини кондириш масаласида муаммолар пайдо бўлиши мумкин.

Таҳни натижалари кўрсатишича, 2007 йилгача “Ўзтемирийўлйўловчи” корхонаси дотацион корхона ҳисобланар эди ва унинг асосий фалиятидан кўрган зарари “Ўзбекистон темир йўллари” ДАКнинг юқ ташишдан олинган фойдаси ҳисобига қопланар эди. Корхонанинг молиявий натижаси темир йўл компаниясининг иктисолий фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади. Шу боис ушбу корхонанинг даромадини кўпайтириш ва харажатларини камайтириш вазифаси мухим аҳамиятга эга бўлган стратегик вазифадир. Ушбу вазифадан келиб чиқиб, “Ўзтемирийўлйўловчи” корхонаси компания таркибига кирувчи темир йўл корхоналарига ва аҳолига кўрсатаётган хизматлари учун “эгилувчан” тариф асосида хизмат ҳаки тўланиши йўлга қўйилган, чипталар нархи ўз вақтида ошириб борилган. Натижада, 2009 йилга келиб, зарар ўрнига иктисолий фойда олишга эришилган.

Темир йўл транспортида тузилмавий ислоҳотлар унинг фаолиятини ривожлантиришнин мухим шартидир, тармоқнинг ишлаб чиқариш имкониятларидан фойдаланиш ва унда рақобатбардош муносабатларни

шакллантириш, муаллиф фикрича, куйидаги йўналишларни ривожлантирипни талаб этади:

- транспорт хизмати бозори инфратузилмасини жадаллаштириш асосида, тармоқ банклари, реклама компаниялари транспорт хизматини хужжатлаштириш марказлари транспорт-экспедиторлиги ва бошقا воситачи компанияларини ривожлантириш;

- транспорт хизмати бозорини ўрганиш бўйича маркетинг тадқиқотлар ва илмий прогнозлаш ишлари даражасини кучайтириш;

- компанияда замонавий мониторингни ташкил қилип ишини, жумладан, транспорт хизмати ва маҳсулот хужжатлари юритилишини тўғри йўлга кўйиш;

- мутахассисларнинг, айниқса, раҳбар ходимларнинг иқтисодий тайёргарлиги, корхоналарда раҳбар ходимлар ва мутахассислар малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш бўйича ишларни ривожлантириш.

Бозор иқтисодиёти шароитида темир йўл компанияси миссияси (мақсади) – темир йўл хизматидан фойдаланувчи мижозларнинг, юк жўнатувчи ва юк қабул қилувчиларнинг темир йўл транспорти орқали ташибига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш, ташилаётган юкларнинг бутлигини ва сифатини сақлаган ҳолда, хавфсиз ва ўз вақтида истеъмолчиларга етказиб бериш, йўлончиларга поездларда ва шоҳбекатларда куляй шароитлар яратиш орқали иқтисодий фойда олиш ва соҳани янада ривожлантириш.

Компанияда ходимлар менежментини янада яхшилаш учун амалиётда кўлланилаётган бошқарув стратегияларидан бирини, яъни “ташкилий маданиятни ўзгаририш стратегиясини” кўллаш таклиф этилади.

Ташкилий маданият стратегиясининг шаклланиши ва ўзгариши бир қатор ички ва тапқи омиллар таъсирига боялик. Ташкилий маданиятни шакллантирувчи бешта бирламчи омил мавжуд. Улар куйидагилар: раҳбариятнинг дикқат-эътибори қаратилган масала; корхона, ташкилотда юз бераётган нохуш, танқидий вазиятлардан раҳбариятнинг таъсиrlаниши; раҳбарларнинг ишга бўлган муносабати ва ўзини тутиш услуби; ходимларни рағбатлантиришга қўйилган талаблар тизими; ходимларни танлаш, ишга тайинлаш, хизмат бўйича юкорига кўтариш (раҳбарлик лавозимларига қўйиш учун захира) ва ишдан бўлпатишга бўлган талаблар тизими.

Темир йўл транспорти бошқарувини ташкил қилишининг янги тизимига қўйиллаётган муҳим талаблар куйидагилар:

- иқтисодий усуллар билан компаниянинг бошқарувчилик ролини кучайтириш ва корхоналарнинг хўжалик фаолиятига тўғридан-тўғри маъмурий аралашувини камайтиришда “Ўзбекистон темир йўллари” ДАК бошқармасининг юкори поғонаси ваколатларини аниқ белгилаш;

• хўжалик тизимини харажатли иқтисодиётдан хўжалик юритишнинг даромад келтирувчи фаолиятига қайта йўналтирип, маҳсулот рақобатбардошлигини кучайтириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун муҳим шароитларни яратиш, тармоқ корхоналарини шимий таъминлаш шакллари ва турларини ривожлантириш;

• ходимларга кўрсатилаётган тиббий, маориф-таълим, маданий дам олиш хизматлари сифати ва кўламини саклаб туриш учун ижтимоий соҳа объектларини темир йўл транспорти компанияси таркибида колдириш;

• маҳсус руҳсатномага эга бўлган ҳаракатдаги вагонлар эгаларига темир йўл транспортининг таъмирлаш базасига ва инфратузилмасига кириш учун тенг ҳукуқлик шароитлар яратиш;

• янги темир йўл тармоқлари ва бошқа темир йўл объектлари курилиши жараёнида иқтисодий интеграцияни кучайтириш ва кооперацияни кенгайтириш.

Темир йўл соҳасидаги юқорида таъкидлаб ўтилган туб ислоҳотлар тармоқ корхоналари хўжалик юритишнинг бозор усуулларига ўтиши жараёнида бошқаришдаги янги усуулларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида темир йўл тармоғини иқтисодий мустаҳкамлигини ва жавобгарлигини ошириш учун етарли ишончли кафолат берилмоқда.

Муаллиф фикрича, республика темир йўл тармоғи олдида турган вазифаларни ҳал қилиш учун маҳсус давлат дастурини қабул қилиш, унинг моддий-техникавий базасини янгилаш ва бошқарув тизимини такомилаштириш зарур. Темир йўл транспортини ислоҳ қилишининг якуний мақсади тармоқ фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий самарадорлигини опиришдан ва транспорт харажатларини қисқартишдан иборат. Шу муносабат билан темир йўл транспортини кейини ривожлантириш дастурини босқичма-босқич амалга ошириш лозим:

1-босқичда – 2010–2012 йилгача – фаолиятнинг айrim соҳаларини монополиядан чиқаришга шарт-шароитлар яратиш ва бундай корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш билан бир қаторда бозор рақобатини ривожлантириш;

2-босқичда – 2012–2015 йилгача – корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятига ва хизматлари истеъмолчилари учун зиён келтирмаган ҳолда монопол фаолият турларидаги корхоналарни давлат тасарруфидан чиқаришга замин яратиш;

3-босқичда – 2015 ва 2020 йилгача – монопол фаолият турларидаги корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнини амалга опириш.

Тадқикотда таъкидланишича, темир йўл транспортини ислоҳ қилишининг ушбу босқичлари доирасида қўйидагиларни амалга ошириш

лозим: темир йўл транспорти соҳасини қайта ташкил этиш дастурини амалга ошириш учун керак бўладиган қонуний ва меъёрий-хуқуқий хужжатларни ишлаб чиқиш; хўжалик юритигпнинг янги шароитларида темир йўл транспорти фаолияти ҳолати, динамикаси ва истиқболларини мос равишда акс эттирувчи икғисодий индикаторлар ва кўрсаткичлар тизимини ўз ичига олувчи мутлақо янги методология ва усусларни ишлаб чиқиш; темир йўл ташувлари соҳасида ракобат секторини ривожлантириш, шу жумладан, ҳаракатдаги составларига эга бўлган юк ташувчи оператор-компанияларни яратиш; ташувларнинг илгор усусларини ривожлантириш ва исьемолчиларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашни ҳисобга олган ҳолда темир йўл транспорти орқали юкларни ташишга бўлган тарифларнинг жорий тизимини такомиллаштириш ва бошқалар.

“Темир йўл транспортини ривожлантиришнинг давлат дастури”нин асосий қоидалари яхлит ишлаб чиқариш инфратузилимасини ва темир йўл транспорти фаолияти устидан давлатнинг тўлиқ назоратини сақлаб қолиш имконини беради.

ХУЛОСА

Темир йўл тармоғини замонавий бошқариш, кадрлар менежменти ва маркетинг хизматини такомиллаштириш борасида кўйидаги илмий тақлиф ва тавсиялар берилди:

1. Темир йўл компаниясининг юк ташиш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш соҳаларида маркетинг бўлимлари фаолиятини янада яхшилаш, ривожланган давлатлар темир йўлларининг бу борадаги иш тажрибаларини ўрганиб, энг илгор маркетинг дастурларини ишлаб чиқиш.

2. Йўловчиларни ташиш соҳасида компания кўйидаги стратегияни амалда кўllaши мақсадга мувофиқ:

- йўловчичи поездларида ва вокзалларда кўрсатилаётган хизматлар сифати ва савиясини янада ошириш;

- шаҳарлараро ва шаҳар атрофида қатновчи поездлардаги йўловчилар ўртасида маркетинг тадқиқотлари ўтказиб, поезд ва вокзалларда кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириш ва хизмат сифатини янада яхшилаш, поездларнинг жўнаш, юриш, етиб келиш вақтлари, улардаги ўришлар сони, қулайликлар бўйича ҳамда йўловчиларга телефон ва интернет орқали чишта сотишни ташкил қилиш ва бошқа масалалар бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш асосида тегишиш қарорлар қабул қилиш;

- мамлакатимизнинг Хива, Бўхоро, Самарканд, Шаҳрисабз, Гермиз каби тарихий шаҳарларига янги истиқболли қатнов йўналишларини излаб топиш ва ушбу йўналишда экспресс ва сайдҳ поездларини ташкил этиш;

• темир йўлнинг техник ҳолатини яхшилаб, йўлнинг техник сифат кўрсаткичи – бални кўтариш орқали йўловчи поездларнинг ҳаракатланиш тезлигини ошириш ҳисобига мамлакатимизнинг жанубий вилоятларига қатновчи поездларнинг юриш вақтини қисқартириш ва кучели, шацкарт вагонлар ўрнига юмшоқ кресло ўриндикили, шинам ва қулай вагонларни, оғир вагон-ресторан ўрнига салқинлангирувчи ичимликлар, ширинликлар, енгил таомлар билан савдо килиш мумкин бўлган жиҳозланган вагонбарни поездларга улап.

3. Темир йўл транспортида бошқарувни таркибий қайта ўзгартиришда куйидагиларга амал қилиш тавсия этилади: темир йўл тизимидағи ташни жараёнлари хизматчилар, ҳаракат иштирокчилари ва бошқа фуқаролар учун оширилган хавф-хатар манбай бўлганилиги сабабли, соҳада меҳнатни муҳофаза қилиш таъсиблари ва месъёрлари бажарилишини таъминлаш алоҳида ва муҳим аҳамиятга эга. Бунга эришиш учун барча ишчи, хизматчи ва раҳбар ходимларни узлусиз ўқитиш ва аттестациялардан ўтказиб туриш, ишлаб чиқариш объектларини сертификатлаш лозим.

4. Тадқиқот ишпида «Ўзбекистон темир йўллари” ДАК фаолияти устувор йўналишларининг куйидаги жиҳатларига эътибор қаратилиши тавсия этилди:

-кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини, тармоқ ривожланишига кўмаклашувчи корхоналар молиявий барқарорлигини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

-бевосита шартномалар тузиш йўли билан сифатли хизмат кўрсатиш ва юкларни манзилларга етказиш учун шарт - шароитлар яратиш;

-маркетинг ва инжинииринг хизматларини такомиллаштириш чора - тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

5. Ҳозирги шароитда темир йўл соҳаси бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг, бошқарув самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари сифатида куйидалар тавсия этилади:

- тайёrlанаётган мутахассислар билим ва кўникумаларини ошириш максадида хорижий давлатларнинг бу соҳадаги тажрибаларини кеншрок доирада ўрганиш;

- компания ходимлари малакасини оширишнинг бош вазифаси сифатида ходим томонидан малака ошириш курсларида олинган илмий, техниковий, ташкилий, иқтисодий гояларни, илгор билим ва кўникумаларни тезроқ корхона амалиётига татбик этиш;

- бошқарув ходимлари томонидан киритилган самарали инновацион тақлийларни, ихтироочилик ва рационализаторлик ташаббусларни қўллаб-куvvatлаш ва ўз вақтида рағбатлантириш;

- етакчи раҳбарнинг бугунги кундаги вазифаси – замонавий менежмент технологияларидан кенг фойдаланиш, айниқса, корхона, ташкилот фаолиятининг иктисодий самарадорлигини оширувчи услублардан, масалан, “икғисодий педагогика” услубидан унумли фойдаланиш йўли билан ходимни ўз устида доимий ишлашга, билими ва касбий маҳоратини мустақил равишда муттасил ошириб боришга рагбат яратицdir.

6. Компаниянинг келгуси таракқиёти учун ишлаётган ходимларни ўқитиш, уларнинг малакасини доимий равишда ошириш, нафақа ёшига яқинлашган мутахассислар ўз ўринларига муносаб ўринбосарларни тарбиялаб, ўргатиб кетишлари лозим. Ўтган даврлардан буён корхоналарда давом эттириб келинаётган “Устоз – шогирд” анъанасини саклаб турип зарур.

7. Республика темир йўл тармоғи ривожланишида эришилган натижаларнинг атрофлича таҳлили шуни кўрсатадики, келажакда тармоқни барқарор суръатлар билан ривожлантиришга эришин бошқарув қарорларининг энг мақбул варианtlарини яратиш мақсадида хуқуқий - иктисодий - ташкилий - меъёрий базани янада такомиллаштиришни тақозо этади.

ЧОП ЭТИЛГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Рахимов А.И. Менеджмент железнодорожного транспорта в условиях рынка.//Тезисы докладов. Девятнадцатые международные Плехановские чтения. – Москва, 2006. – С.162-163.

2. Рахимов А.И. Менеджмент фанини ўрганишнинг услубий жиҳатлари. //Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Бухоро, 2006. – Б.32-36.

3. Зайнутдинов Ш.Н., Рахимов А.И. Вопросы моделирования транспортных перевозок и эффективность функционирования системы управления. // Тезисы докладов «Сиражиддиновские чтения». – Ташкент, 2006. – С.104–105

4. Рахимов А.И. Темир йўл транспортида маркетинг фаолиятини ривожлантириш.//Ж.Бозор, пул, кредит. – Тошкент, 2006, №6. – Б.66-68

5. Рахимов А. И. Инвестиция как фактор развития транспортной системы Узбекистана.//Тезисы докладов. Двадцатые международные Плехановские чтения. – Москва, 2007. – С.54-56

6. Рахимов А.И. Темир йўл транспортини бошқариш стратегияси //Ж.Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2007, №1. – Б.64–65

7. Рахимов А.И. Иқтисодиётни эркинлантириш шароитида темир йўл транспортининг ривожланиши. //Ж.Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2008, №1. – Б.49-51
8. Рахимов А.И. Развитие системы управления железнодорожного транспорта Узбекистана.// Тезисы докладов. Двадцать вторые международные Ильхановские чтения. – Москва, 2009. – С.240-241.
9. Рахимов А.И., Сайдов К.И. Ўзбекистон темир йўл тармоғини миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни ва ўзига хос хусусиятлари.//Иқтисодий, демографик, экологик барқарорлик ва ҳавфсизлики мустаҳкамлашнинг устувор вазифалари мавзусидаги республика илмий - амалий анжуман материаллари. – Урганч, УРДУ, 2010. – Б.118-120.

иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Раҳимов Азимжон Иномовичнинг 08.00.13 – «Менежмент ва маркетинг» ихтинослиги бўйича «Ўзбекистон темир йўллари компаниясида бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлиги» мавзусидаги диссертацияси

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: менежмент, стратегик бошқарув, бошқарув тизими, бошқарув жараёни, бошқарув технологияси, бошқарув механизми, транспорт тузилмаси, темир йўл тармоги.

Тадқиқот обьекти: “Ўзбекистон темир йўллари” ДАҚ ва унинг бўлинмалари.

Ишнинг максади: Ўзбекистон темир йўл тармогида бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда бошқарув самарафорлигини ошириш бўйича илмий, услугий ҳамда амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқипдан иборат.

Тадқиқот методлари: тадқиқот жараёнида статистик, прогнозлаш, вазиятли ёндашув ва SWOT-таҳтил методларидан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: глобаллашув шароитида темир йўл тармогининг бошқарув стратегияси ишлаб чиқилган ҳамда ташкилий-иқтисодий механизмини баҳолаш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар тадбиқ этилган. Хусусан, бошқарувнинг назарий ва услугий жиҳатлари асослаб берилган; темир йўл тармогининг бошқарув стратегияси илмий асосланган; Ўзбекистон темир йўлларини бошқаришнинг замонавий услулари таклиф килинган; Ўзбекистон темир йўл тармоги таркибида маркетинг хизматини ривожлантириш йўллари асослаб берилган; Ўзбекистон темир йўл транспортининг бошқарув самарафорлигини ошириш йўналишлари белгиланган.

Амалий аҳамияти: асосий таклиф ва тавсиялардан темир йўл иқтисодиёти ва тармоқларини бошқаришда фойдаланилиши, шунингдек, тадқиқотда ўтказилган амалий таҳлиллар транспорт тармогини самарали бошқариш ва бу соҳадаги ислоҳотларни чукурлантиришда қўлланилиши мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарафорлиги: асосий хуласалар ва натижалар “Ўзбекистон темир йўллари” ДАҚ, унинг тассаруфидаги Кўхон минтақавий темир йўл узели амалиётига ҳамда айрим назарий тавсиялар Тошкент темир йўл транспорти мухандислари институти ўкув жараёнида қўллаш учун татбиқ этилган.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: асосий натижалардан темир йўл тармоги бошқарув тизимини тақомиллаштиришда фойдаланилади.

РЕЗЮМЕ

диссертации Рахимова Азимджона Иномовича на тему «Разработка стратегии управления компанией “Узбекистон темир йуллари” и ее эффективность», представленной на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.13 – «Менеджмент и маркетинг»

Ключевые слова: менеджмент, стратегическое управление, система управления, процесс управления, технология управления, механизм управления, транспортная система, железнодорожная отрасль.

Объект исследования: объектом исследования является ГАК «Узбекистон темир йуллари» и его подразделения.

Цель работы: разработать стратегию управления и научно-методические, практические рекомендации, а также предложения для повышения эффективности управления в железнодорожной сети Узбекистана.

Методы исследования: в процессе исследования использованы статистические методы, методы прогнозирования, ситуационного подхода и SWOT-анализ.

Полученные результаты и их новизна: разработка стратегии управления железнодорожной отраслью в условиях глобализации и внедрения практических рекомендаций и предложений по оценке эффективности организационно-экономических механизмов. В частности, обоснованы теоретические и методические аспекты управления; научно обоснована стратегия управления железнодорожной отраслью Узбекистана; обоснованы направления развития маркетинговой службы в структуре железнодорожной отрасли Узбекистана; определены пути повышения эффективности управления железнодорожным транспортом Узбекистана.

Практическая значимость: основные предложения и рекомендации могут быть использованы в управлении экономикой железнодорожной отрасли, а также, проведенные исследования практические разработки могут быть использованы для повышения эффективности управления в отрасли железнодорожного транспорта и углублении реформ в этой отрасли.

Степень внедрения и экономическая эффективность: основные выводы и предложения внедрены в ГАК «Узбекистон темир йуллари» и его региональном структурном подразделении в Коқанде, а также некоторые теоретические рекомендации используются в учебном процессе Ташкентского института инженеров железнодорожного транспорта.

Область применения: основные результаты могут быть использованы при совершенствовании системы управления железнодорожной отрасли.

R E S U M E

Thesis of Rakhimov Azimjon Inomovich on the scientific degree competition of the doctor of the philosophy in economics on specialty 08.00.13 – “Management and marketing” on the subject “Elaboration and efficiency of management strategy of “Uzbekiston Temir Yullari” company”

Key words: management, administration, system of management, process of management, technology of management, mechanism of management, transport system, railway branch

Subjects of research: State Joint-Stock Company “Uzbekistan Temir Yullari”, and its subdivision.

Purpose of work: develop methodological and practical recommendations and proposals on the strategy and the management system in order to increase the efficiency of the management of railway network of Uzbekistan,

Methods of research: statistical methods, forecasting methods, situational approach and the SWOT analysis are used,

The results obtained and their novelty: the strategy of railway network management in conditions of globalization and the practical recommendations and proposals on estimation of efficiency of organization-economic mechanism have been developed. In particular, the theoretical and methodological aspects of management have been grounded, the management strategy of the railway network of Uzbekistan has been scientifically proved, the trends of development of service marketing in the structure of railway network of Uzbekistan have been grounded, the ways of increasing the efficiency of management of railway transport of Uzbekistan are proposed.

Practical value: the basic proposals and recommendations can be used in economy of railways and its branches, and also the practical investigations made in dissertation can be applied while deepening the economic processes in this branch.

Degree of embed and economic effectivity: the general conclusions and proposals have been introduced in SJSC “Uzbekiston Temir Yullari” and its regional structural branch in Kokand, and also some theoretical recommendations are used in educational process of the Tashkent Railway Engineering Institute.

Field of application: the basic results of research can be used in the developing of the management system of railway industry.